

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



2026 йил 13 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Оҳангарон туманига ташриф буюриб, электротехника sanoati технопаркидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Ушбу QR код орқали давлатимиз раҳбарининг Оҳангарон туманига ташрифи тафсилотлари билан батафсил танишинг:



@SHMIRZIYOYEV



13 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маъжур QR код орқали Президент раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши тафсилотларини ўқинг:



@PRESS\_SECRETARY\_UZ



## Ҳаётбахш ҳужжатнинг амалий ифодаси

Юртимизда «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичи қизғин кечмоқда

СУРАТДА: Андижон туманидаги «Зангибобо» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Раънохон Маҳмудова, «Аёллар дафтари» кўмаги билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тadbirkor Маъмураҳон Юлдашева ҳамда Ўзбекистон касaba уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши етакчи мутахассиси Дилфуза Исомиддинова мунозара жараёнида.

Нурилло НУЪМОНОВ олган сурат.


«Аёллар дафтари»да белгиланган вазифалар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги QRни сканер қилинг:



## «ТАҚТЕЪ» — ҲАҚИҚАТ ЎЗБЕК АРУЗШУНОСЛИГИНИНГ ГУЛТОЖИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг ҳар бир кўп жилдли нашри китобхонлар ва айниқса, бобуршунослар учун янги-янги янгиликларни совға қилади. Чунончи, 2021–2022 йилларда «Зиллол булоқ» нашриёти (Тошкент шаҳри) Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини мукаммал ҳолатда – араб ва кирилл ёзувларида олти йирик китоб ҳолида нашр этган эди.

Олти муҳташам китобда ўқувчилар ва олимлар учун талай янгиликлар мавжуд. Шоир девонини бунчалик мукаммал ҳолатда йиғмоққа, илмий меросини мукаммалаштирмоққа, янги топилдиқлар билан барчани хайратга солмоққа сабаб нашрга тайёрловчи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабекнинг зийракларча саъй ва ҳаракатларидир. Дастлаб биз, бобуршуносларни икки нарса хайратга солди: бири – Бобурнинг Хуросон (маркази – Ҳирот) ва Ироқ (маркази – Табриз) олимларига ёзган мурожаат мактуби. Иккинчиси – Бобурнинг «Тақтеъ» рисоласи топилиши. Ажойиб бу асар унинг «Аруз» сингари туркийда эмас, балки форс тилида ёзилгандир. Бу асар Бобур мактуби билан узвий алоқадорлиги учун ўша мурожаатнома матнини куйида келтирамиз:



«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Хуросон ва Ироқ фузалоси била фусаҳоси хизматларида маъруз (арзимиз) улким, жибилят (яратиш, туема-табиий хислат) иқтиқоси (тақозоси, зарурати) била шеърға мойил ва муқтазои вақт била (вақту замон тақозосига кўра) бирор-иккироор байтқа қойил бўлулур (бир-икки байт айтиб турилар) эди. Хотирға етар эрдиким, мусталаҳотини (истилоҳларини) доғи бир киши қошида кўрулса, кўнгулга кечгон шубҳани андин сўрулса. Тақдир ҳасби била анга тавфиқ топилмади (муваффақ бўлинмади) ва бу бетаҳқиқ қолди. Охир ўз алимдин бир-икки рисола маълум қилиб, бир неча калогпо марҳум бўлди. Мултамас улким (илтимос улким) ҳар галату саҳвеким бўлса, кўргузгайлар. Ислоҳ қалами била ул галату саҳвин тузгайлар. То бу васила била бу тавлифнинг сиқами (касали, илллати) сиҳҳатқа бадал бўлгай ва муаллифнинг жаҳли (илмсизлиги) илмга мубаддал».

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур, «Куллиёт», 1-жилд. Девон». Тошкент «Зиллол булоқ» нашриёти. 2021 йил, 580-бет).

Бу мактуб шунгача маълум эмас эди.

Ҳиндистондай улкан мамлакат шоҳи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бунчалик камтарлиги ҳар қандай кишини хайратга солмай қўймайди.

Ана шу мурожаатнома – мактубга хиротлик бир шоир худди жавоб бергандек, Бобурнинг бир байтини 252 вазнда тақтеъ қилиб, Аграга юборади. Шу воқеа ва мактуб мурожаатномасининг бевоисита давоми сифатида «Тақтеъ» рисоласи яратилгандир.

«Тақтеъ» рисоласи ёзилши хусусида «Бобурнома»да шундай маълумотлар сақланган: Одина (жума) кунни, зулҳижжа ойининг иккисиди 41 қатла ўқур вирдни бунёд қилдим. Ушбу айёмда бу байтимни:

Кўзу қошу сўзу тилминиму дей?

Қаду хаду сочу белиниму тақтеъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди». (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, «Бобурнома», «Шарқ» нашриёти, Тошкент 2002 йил, 232-бет).

Ушбу рисола ҳақида илк маълумотни академик Абдулла Аъзамов «Заҳириддин

Муҳаммад Бобур энциклопедияси»да («Шарқ» нашриёти, 2017 йил) бериб, бу рисоланинг Техрондаги Гулистон музейида сақланадиган қўлёзмада борлигини аниқ саҳифасигача кўрсатган. Рисоланинг номини ҳам академикнинг ўзи тақлиф қилган. Бизга ҳам бу ном маъқул бўлди. Ушбу рисола Истанбулдаги Мармара университети фондидаги қўлёзма ва Техрон қўлёзмалари асосида нашр эттирдик.

Бобуршунослик илмидаги янгилик шу бўлдики, Бобур она тилида «Аруз» китобини, форс тилида «Тақтеъ» асарини яратган экан.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бу рисоласи ўзбек адабиёти арузшунослигида фавқулодда ҳодисадир. Бир байтни 504 вазнда тақтеъ қилиш илмдаги ўзига хос афсонавий рекорддир (қахрамонликдир). Шу маънода Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Тақтеъ» асарини ўзбек арузшунослигининг чўққиси – гултожи, деймиз.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Топилма

Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур

## Яхшилик

Ким кўрубдур, эй кўнгул,  
аҳли жаҳондин яхшилиге?  
Кимки, ондин яхши йўқ,  
кўз тутма ондин яхшилиге!

Ҳар замонни нафӣ қилсам,  
айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин,  
бу замондин яхшилиге!

Дилраболардин ёмонлиқ келди  
маҳзун кўнгулма,  
Келмади жонимга ҳеч  
ороми жондин яхшилиге.

Эй кўнгул, чун яхшидин  
кўрдунг ямонлиқ асру кўп,  
Эмди кўз тутмақ не,  
яъни ҳар ямондин яхшилиге?

Бори элга яхшилиге қилғилки,  
мундин яхши йўқ –  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди  
фалондин яхшилиге!

Яхшилиге аҳли жаҳонда  
истама Бобур киби,  
Ким кўрубдур, эй кўнгул,  
аҳли жаҳондин яхшилиге?!



## Бобурхонлик

Ушбу QR код орқали ishonch.uz сайтига ўтиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеъриятидан бахраманд бўлинг:



**Кўрик-танлов**

## МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳар йили Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказиб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад иш берувчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини ушбу масалага қаратиш, ходимлар учун соғлом ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, қонунчилик талабларига эриштириш устидан назоратни кучайтиришдан иборат.

Анъанага биноан, мазкур танлов «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси килиш кунини» арафасида ўтказилиб, голиблар «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касабани уюшмаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ҳамда «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинацияларида аниқланади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади. Биринчи босқич ҳудудий даражада бўлиб, унда ташкилотлар, бошланғич касабани уюшмалари, меҳнат муҳофазаси вакиллари ва 35 ёшгача бўлган мутахассислар иштирок этишади. Голиблар базавий ҳисоблаш миқдорининг 4, 6 ва 8 бараваригача рағбатлантирилиб, кейинги босқичга йўлланма олишади.

Иккинчи босқич тармоқ касабани уюшмалари Республика кенгашлари миқёсида ўтказилади. Бунда голиблар БХМнинг 8, 10 ва 12 бараваригача

совгалар билан тақдирланади.

Учинчи, якуний босқич Федерация комиссияси томонидан ўтказилади. Ҳар йили 1 августга қадар натижалар сарҳисоб қилиниб, тармоқ ва ҳудудий кенгашлардан голиблар аниқланади. Якуний голиблар БХМнинг 25 бараваригача бўлган кимматбахш совгалар билан рағбатлантирилади.

Баҳолаш жараёнида меҳнатни муҳофазаси қилиш тизими мавжудлиги, ходимларнинг ўқитилиши ва йўриқномалар билан таъминланиши, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, тиббий кўриклар, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари, мажбурий сўғурта шартларига риоя этилиши каби мезонлар инобатга олинади. Масалан, баҳоланаётган йилда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир этилган бўлса, ташкилот «Энг яхши ташкилот» но-

минацияси бўйича иштирок этмайди. Бошқа номинацияларда эса оғир ёки ўлим билан тугаган ҳолатлар учун баллар камайтирилади.

Танловда иштирок этиш учун иш берувчи ва касабани уюшмаси қўмитасининг қўшма қарори қабул қилиниши шарт. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун иштирокчилар жавобгар ҳисобланади. Зарурат туғилганда комиссия аъзолари жойига чиққан ҳолда ўрганиш олиб боришади.

Меҳнат муҳофазаси бу фақат қонун талаби эмас, балки инсон ҳаёти ва саломатлигига ҳурмат ифодасидир. Шу боис барча бошланғич касабани уюшмаси ташкилотларини республика кўрик-танловида фаол иштирок этишга чорлаймиз.

**Нодира****ҒОЙИБНАЗАРОВА,**

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Меҳнатни муҳофазаси бўйича бўлими мудири

**Ёнмағил айтгон ҳадисингдин,  
Тонмағил айтгон ҳадисингдин.****Заҳириддин Муҳаммад Бобур****Анжуман**

## БЕҚИЁС МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши фаоллар залида икки буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган «Навовий ва Бобур мероси – беқиёс маънавий хазина» мавзусида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда Навоий ва Бобурнинг миллий маънавиятимиз ривожига ўрни, асарлари замоналар ўтса-да, қадрини йўқотмаслиги ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Тўхтамиш Боқиев, Норинисо Қосимова, Ҳасан Абдувоҳидов, Мақсуда Мирзаева, вилоят мусиқали драма театрининг адабий бўлими мудири Гулхан Очилова ва бошқалар буюк адиб ҳамда давлат арбобларининг ҳаёти, маънавий мероси ҳақидаги қизиқарли

билан иштирокчиларга кенг маълумотлар беришди. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши Ёшлар бирлашмаси етакчилари ҳамда Гулистон шахридаги 2-муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар эса кечага ўзгача файз бахш этди.

Тошкент кимё технологиялари институтининг Янгиер филиали талабалари Севинч Маражапова, Рушана Усмонова ҳамда Гулис-

тон давлат университети талабалари Асал Аҳмадиева ва Мархабо Очиловалар томонидан ижро этилган газаллар иштирокчилар олқишларига сазовор бўлди.

Тадбир сўнггида фаол иштирокчилар ва меҳмонларга китоблар ҳада қилинди.

**Дилнавоз САИДОВА,**

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Сирдарё вилояти кенгаши раисининг

ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Тадбир**

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ УЧУН ҲАМ ҲИМОЯ ЗАРУР

Инсон саломатлиги учун курашаётган тиббиёт ходимларининг ўзи ҳам хавфсиз меҳнат шарт-шароитларига муҳтож. Албатта, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-қарори ижросини таъминлаш доирасида Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган меҳнатни муҳофазаси қилиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар айнан шу мақсадда ташкил этилди. Унда иш берувчилар ҳамда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар иштирок этишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Жўрабек Бултуров қарорининг мазмун-моҳияти, унинг амалий аҳамияти ва иш берувчилар ҳамда ходимлар зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида

атрофлича тушунчалар берди. Семинар давомида тиббиёт муассасаларида санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда меҳнатни муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Табиики, бундай тадбирлар ҳуқуқий саводхонликни ошириш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига масъулият билан ёндашиш, иш жойларида соғлом муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

– Иш вақтида баъзан хавфсизлик қоидаларига оддий ҳол-

дек қараймиз. Шу нуқтага назардан ёндашганда, бутунги семинар бизга ҳар бир талаб ортида, аввало, инсон саломатлиги ва ҳаёти турганини яна бир бор эслатди, – дейди Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими бош хамшираси Раъноҳон Ражабова. – Аслида биз нафақат ўзимиз, балки бутун жамоа хавфсизлиги учун масъулмиз.

Дарҳақиқат, шифо улашувчиларнинг меҳнат шарт-шароити қанча хавфсиз бўлса, жамият саломатлиги ҳам шунча мустақкам бўлади.

**Мирзаномир****ҚОРАБОЕВ,**

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Наманган вилояти кенгаши меҳнат техник

инспектори

**Семинар**

## МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабани уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасалар касабани уюшмаси қўмитаси раислари, меҳнат муҳофазаси вакилларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ўтказди.

Қўмита раиси Манзура Акрамова иштирокчиларга жамоа шартномаларини тузиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш бўйича батафсил маълумот берди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика кенга-

шининг вилоят бўйича меҳнат инспектори Равшанбек Фозиловнинг иш жойида меҳнатни муҳофазаси қилиш ва тиббий кўрик пайтида ходимлар чиқимдор бўлмаслиги борасидаги маърузаси бошланғич касабани уюшмаси қўмитаси раислари учун жуда фойдали бўлди.

– Семинар орқали иш фаолиятимизда кўп дуч келадиган масалалар юзасидан кенгаши маълумотлар олдик, – дейди Данғара тумани мусиқа ва санъат мактаби етакчиси Комилахон Шерматова.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**

«ISHONCH»

**Давра суҳбати**

Темурийлар тарихи давлат музейида Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабани уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси «Рамазон – меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик ойи» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда бошланғич ташкилотлар раислари ҳамда фаоллар иштирок этишди. Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво хайвати маркази бош мутахассиси Муҳаммадабдухон Ҳомидов диний бағрикенглик, Рамазон ойига тайёргарлик ҳақида сўз юритди.

## МЕХР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

– Халқимиз ҳаётида хайру саховат фазилатлари сайқалланган муборак Рамазон ойининг аҳамияти беқиёс, – деди Муҳаммадабдухон Ҳомидов. – Юртдошларимиз катта қувонч билан кутиб оладиган ушбу ой руҳий покланиш, меҳр-оқибат ришталарини мустақкамлашга хизмат қилади. Жамиятни бир-бирига боғлайди. Ўзгаларга яхшилик қилиш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш каби хайрли амаллар ҳажми

ошади. Бундай эзгу ишларни адо этишда ўзгалар билан ҳаммаша ҳамнафас бўлиб келаётган касабани уюшмалари фидойиларининг ҳиссаси катта.

– Бугунги тадбирда Рамазон ойининг фазилатлари борасида сўз борди. Бундан ҳар томонлама маънавий озиқ олдик, – дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви касабани уюшмаси қўмитаси раиси Шаҳноза Дадамўхаммедова. – Айниқса, но-

гиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш, бошига мусибат тушган, оғир даргда йўлиққан ёки бошқа қийинчиликларга дуч келганларга елка тутиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, имкон даражасида қўмақлашиш борасида касабани уюшмалари амалга ошириб келаётган тизимли ишлар эътирофга лойиқ.

**Ўз муҳбиримиз****Сув спорти:**

## ИСТАК БЎЛСА, ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

Сузиш деярли ҳамма учун мос бўлган спорт турларидан бири. Кексалар, ёшлар, мунтазам жисмоний фаол бўлган ва эндигина шуғулланишни бошлаётганлар, шунингдек, соғлиғида муаммолари бор инсонлар учун у бирдек фойдалидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув спортига қаратилаётган эътибор мутлақо янги маълумот касб этмоқда. Айниқса, бу борада ҳудудларда ҳам амалий натижалар бўй кўрсата бошлади. Президентининг 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни тизимли ва мақсадли ташкил этишга замин яратди.

Маълумки, Бухоро вилоятида сув ресурслари чекланган. Бир қарашда, бундай шароитда спортнинг бу турини ривожлантириш мушкулдек. Аммо тўғри ёндашув ва мақсадли инфратузилма яратиш орқали ҳар қандай ҳудудда ҳам бунга эришиш мумкин. Бугунги кунда Олот, Қорақўл, Ёғдудов, Ромитан туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида тўққизта сув ҳавзаси фаолият юритмоқда. Уларда қирқ еттита спорт гуруҳи мунтазам машғул олиб бормоқда. Асосий қисми сузишга ихтисослашган бўлса, айримларида пара сузиш ва синхрон сузиш йўналишлари йўлга қўйилгани соҳадаги қамров кенгаётганини аниқлатади.

Мазкур гуруҳларда қарийб беш юз на-

фар ўқувчи-спортчи шуғулланаётгани, қирқ олти нафар малакали мураббий машғулот ўтаётгани ҳудудда сув спорти тизимли йўлга қўйилганини, ёшларни спортга жалб этиш борасида аниқ механизм шаклланишини билдиради. Эътиборлики, бултур вилоят спортчилари республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда сузиш ва синхрон сузиш бўйича фахрли ўринларни эгаллашди.

**Мушоҳада**

Албатта, эришилган натижалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Чунки ҳудудда мавжуд ҳавзаларни модернизация қилиш, янги замонавий иншоотлар барпо этиш, тренерлар малакасини ошириш каби вазифалар долзарблигича қолмоқда. Айниқса, чекка туманларда ҳам сув спорти инфратузилмасини яратиш орқали болалар ва ёшларнинг қамровини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Агар белгиланган режалар ижро этилса, яқин йилларда Бухоро нафақат тарихий обидалари, балки кучли сузиш мактаби билан ҳам алоҳида ўрин эгаллаши мумкин. Бунинг учун эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, инфратузилмани кенгайтириш ва ёшлар ўртасида сув спортини оммалаштириш устувор вазифа бўлиб қолади.

**Лола ЖўРАЕВА,**

Ўзбекистон касабани уюшмалари

Федерациясининг Бухоро вилояти

кенгаши бўлим мудири

Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сийлайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Мулоҳаза учун мавзу

МАКТАБДА БОРМА(ЙДИ)ГАН ЎҚУВЧИ

Глобаллашув, ахборотлашув ва технологик тараққиёт замонида таълим масаласи ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо муваффақиятга фақат ва-зирлик, мактаб, ўқитув-чининг сазой-ҳаракатлари билан эришиб бўлмайди. Жараённинг энг муҳим, аммо кўпинча эътибордан четда қолаётган субъекти ота-онадир.

монидан болани тарбиялаш ва таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик 412 минг сўмдан 2 миллион 60 минг сўмгача жарима солинишига сабаб бўлади. Агар бу бир йил давомида қайта такрорланса, жарима миқдори 4 миллион сўмдан ошади. Бундан ташқари, мажбурий таълимга тўсқинлик қилиш янада оғир ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаб, 10 миллион сўмгача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ билан жазоланади.

Бу чоралар, албатта, ота-оналарни огоҳликка чақиради. Шу билан бир қаторда, «Жарима муаммони ҳал қиладимми ёки уни янада чуқурлаштирадими?» деган ҳақли саволни ҳам юзага келтиради. Масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар учун бу боланинг таълимга қайтишига эмас, балки оилавий муаммоларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Шу боис жазоланди кўра, тушунтириш, профилактика ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш лозим.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

Тўғри, болаларнинг мактабга келмаслиги фақат ота-оналар хоҳиши билан боғлиқ эмас. Айрим ҳолларда бунинг ортида чуқур ижтимоий сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Камбағаллик, меҳнат миграцияси, ота-онанинг узоқда ишлаши, оилавий низолар, фарзанд меҳнатидан фойдала-

ниш каби омиллар шулар жумласидан. Энг ачинарлиси, баъзи ота-оналар болаларини мактабга юбормасликни онгли равишда танлайди. Зеро, қизини эрта турмушга беришни истайдиган, ўглини пул топишга ундайдиганлар кўп. Бу қонун талабларини очикдан-очиқ бузиш ҳамда бола ҳуқуқларини поймол этишдир.

ҲАМКОРЛИК ЎРНИГА БОСИМ

Таълим жараёнида яна бир муҳим муаммо айрим ота-оналарнинг педагоглар фаолиятига ноқонуний ара-лашувидир. Ўқитувчини ҳақоратлаш, унга босим ўтказиш, дарс жараёнига аралашши жамиятда бу касбнинг нуфузи пайсийишига олиб келмоқда.

«Ўқитувчиға қўл қўтарган аёл узр сўраб чиқди», «Ўқувчилар ўқитувчиға куч ишлатишди» каби хабарлар матбуотда кўп чиқиб турибди. Бу гўё оддий ҳолга айлиниб қолгандек, жамият ҳам бефарқ қабул қилаётгандек. Элимизда «Устоз отангдан улуг», дея ҳамиша қадр-лаб келинган инсонларнинг бу ҳолга тушиши ачинарли.

Устозлар шогирди ўқиб, элда эъозли одам бўлиб етишишини истаиди. Бор илми, маҳорати билан сабоқ беради. Қаттиққўллик ўз фойдасига эканини англамаган бола эса ўз номи билан бола. Аммо ота-оналар-чи?! Фарзанднинг арзумаган шикоят сабаб мактабга келиб, муаллимга босим ўтказиши яхшиликка хизмат қилмайди. Шунинг учун ота-она ва мактаб

ўртасида соғлом ҳамкорликни шакллантириш зарур.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ЭҲТИЁЖ

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мажбурий таълим масаласида энг самарали усул ота-онани жазолаш эмас, балки уни жараённинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Масалан, айрим мамлакатларда ота-оналар учун мажбурий тренинглр, психологик маслаҳатлар, ижтимоий ёрдам дастурлари мавжуд. Биз ҳам шу йўлда борсак, албатта, ижобий самарага эришамиз.

МАЖБУРИЯТДАН ОНГЛИ МАСЪУЛИЯТ САРИ

Фарзанднинг мактабга бориши ота-онанинг шахсий иши эмас, балки жамият олдидаги бурчидир. Қонун бўйича шундай. Демак, унга амал қилиш ҳар бир ота-онанинг онгли равишдаги вазифасига айланмоғи даркор. Зеро, таълим – жарима билан эмас, масъулият билан таъминланади. Демак, ота-она, мактаб ва жамият бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, мажбурий таълим мажбуриятдан табиий эҳтиёжга айланади. Аксинча бўлса, саводсизлик, бефарқлик ва маънавий таназзул билан юзма-юз келишимиз ҳеч гап эмас.

Хўш, бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...



САВОЛ: Соғлигимда бир қатор муаммолар борлиги сабабли кун давомида бир неча марта, деярли ҳар 1,5-2 соатда енгил овқатланиб олишга мажбурман. Бунинг учун ишхона биноси ертўласида жойлашган буфетга 10-15 дақиқага бориб келаман. Бошлигимизга бу ёқмайди, иш жойимда бўлмаган вақтларни «прогул» деб ҳисоблайди ва ишдан бўшатиш билан таҳдид қилади. Шу тўғрими?

Баҳром СОАТОВ Андижон вилояти

ИШ ЖОЙИМДА 10-15 ДАҚИҚА БЎЛМАСАМ, «ПРОГУЛ» ҲИСОБЛАНДИМИ?

ЖАВОБ: Саволингизда келтирилган ҳолатларда сизни ишдан бўшатиш учун бирон-бир қонуний асос мавжуд эмас. Чунки амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига кўра, иш берувчи ходим ўз мажбуриятларини тўла-тўқис бажариши учун етарлича шарт-шароит яратиши керак. Хусусан, Меҳнат кодексининг 204-моддасига мувофиқ, иш куни (смена) давомида ходимга дам олиш ва овқатланиш учун давомийлиги кўпи билан икки соат ва камида ўттиз дақиқа иш вақтига киритилмайдиган танаффус берилиши зарур.

Дам олиш ва овқатланиш вақти барча ходимлар учун ёки таркибий бўлинмалар, бригадалар ва ходимларнинг айрим гуруҳларига алоҳида белгилаш мумкин.

Ходимлар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланади. Бу вақтда улар иш жойидан чиқиб кетиши мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқариш (иш) шартлари кўра, дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши учун танаффус бериш имкони бўлмаган жойларда раҳбар ўз ходими ва иш вақтида дам олиш ва овқатланиш учун етарлича шарт-шароит яратиши керак. Хусусан, Меҳнат кодексининг 205-моддасида иш куни давомидаги қўшимча танаффуслар кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, қонунчиликда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларга иш куни давомида иш вақтига киритилмайдиган танаффус бериш ҳам назарда тутилиши мумкин.

Умуман олганда, қонунчиликка мувофиқ, дам олиш ва овқатланиш вақти ҳамда унинг аниқ давомийлиги ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувда белгиланади.

Демак, соғлигингиз билан боғлиқ ҳолда тез-тез овқатланиш учун қисқа муддатли танаффуслар берилиши хусусида иш берувчи билан келишиб олсангиз (ёки меҳнат шартномасига бу ҳақда ўзгартириш киритиш ҳақида талаб қўйсангиз) мақсадга мувофиқ бўлади. Ижобий натижага эришмаган тақдирда юқори турувчи раҳбариятга, касабаяушмасига, меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлисан.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Эрон – АҚШ ўртасидаги зиддиятларни дипломатик йўл билан ҳал этишга уринишлар давом этапти. Аммо у қандай яқун топишини олдиндан башорат қилиш имконсиз. Чунки вазият анча чигал.

11 февраль куни Оқ уйда АҚШ президенти Доналд Трамп ҳамда Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху ўртасидаги музокаралар ёпиқ эшиклар ортида қарийб уч соат давом этди. Бироқ Трамп президентлик лавозимига қайтганидан бери стратегик ҳамкорлар ўртасида бўлиб ўтган еттинчи учрашувда Эронга нисбатан ташланганидан кейинги қадамлар борасида аниқ келишувга эришилмади ёки эришилган бўлса ҳам, ошкор этилмади.

Нетаньяху девонининг қисқа ахборотида «Эрон билан музокаралар, Ғазо сектори ва минтақавий воқеалар» муҳокама қилинган, шунингдек, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва доимий алоқани сақлашга келишиб олингани билдирилди, холос.

Кескинликнинг асосий манбаи кўпчиликка аён – Эроннинг ядровий дастури. Исроил Техрон ядровий қурол яратишга интилаётганини даъво қилишдан, Эрон эса буни инкор этишдан чарчагани йўқ.

иборага муқобил тарзда ишлатилган. Ҳумайний ва унинг вориси оятуллоҳ Али Ҳоманайидан тортиб, юқори мартабали амалдорлар, ҳарбий қўмондонлар ва оммавий ахборот воситаларига ҳозирги кунга қадар Исроилни йўқ қилишга чақирувчи ёки унинг таназулини башорат қилувчи мантиққа асосланиб келмоқда.

Шу боис Нетаньяху ва унинг коалицияси вакиллари Техронга нисбатан босимни кучайтириш сиёсатини қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, ҳокимиятнинг алмаштириш керак, деган фикрда собит турибди. Трамп эса Эрон атрофида анча жиддий ҳарбий кучларни тўплаётган бўлса-да, дипломатик жараёнлардан умидини узмапти.

Бироқ бугун Эроннинг ядровий дастур тақдирини ҳал бўлмаяпти. Масала Яқин Шарқда ўйин қоидаларини ким ва қайси шартлар асосида белгилаши ҳамда ташқи босимни минтақани уруш ўчоғига айлантирмайдиган даражада ошириш ҳақида бормоқда.

Узи учун таҳликали бир вазиятда Техрон расман мулоқотга очик эканини таъкидламоқда. Хусусан, Президент Масъуд Пизишқийён 11 февраль – Ислам инқилоби ғалабасининг 47 йиллиги муносабати билан Техроннинг Озодлик майдонидаги нутқида «Биз ядровий қуролга интильямиз... Биз ҳар қандай турдаги текширувга тайёрмиз... Минтақа мамлакатлари билан тинчлик ва барқарорлик йўлида мулоқот олиб бормоқдамиз», деди.

ишлаб чиқариш учун урanni бойитишга эҳтиёж борлигини таъкидламоқда.

Эрон атрофидаги инқироз ҳақида сўз кетганда, тақрор ва тақрор айтиш керак бўлган бир жиҳат бор. Нега музокаралар ижобий натижа бермаяпти, деган саволга энг асосий жавоб шуки, АҚШ Эрондан ядровий қурол ишлаб чиқиш ниятидан воз кечиши, ракеталар дастури чеклашни, минтақадаги иттифоқчи қуролли гуруҳларни қўллаб-қувватлашни тўхтатишни талаб қилапти. Эрон эса музокараларда фақат ядровий дастур атрофидаги масалалар муҳокама қилинишини истаптади.

Шу боис Эрон ўз стратегиясини АҚШ ҳақиқат-ҳаракатларидан келиб чиқиб қурапти. Яъни дипломатия куч-қудрат намоийиши билан бирга олиб борилапти. Тўғри, Эрон келишувга тайёр, бироқ вазият кескинлашса, катъий жавоб бериши ҳам мумкин. Аббос Ароқчи Эронда ядровий қурол йўқлигини қафолатлайдиган ва бир вақтингиз ўзида ядровий технологияларни тинч мақсадларда қўллаш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган тақдирда яқинда иш олиб борилаётганини таъкидламоқда.

Аммо Вашингтонда босимнинг бошқа воситаси – нефть тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда. The Wall Street Journal маълумотларига кўра, Трамп маъмурияти Техронни асосий даромад манбаидан маҳрум этиш учун Эрон нефтини ташувчи танкерларни мусодара қилиш имкониятини кўриб чиқмоқда.

Бу ғоя мантиғи содда ва тушунарли: агар уруш ўта хавфли сценарий сифатида баҳоланса, экспорт томирини бўғиб қўйиш «назорат остидаги босим» ўлароқ қўрилади. АҚШ бундай чораларни илгари ҳам қўллаб, Венесуэла атрофидаги санкцион схемалар доирасида Эрон нефтини ташувчи кемаларни мусодара қилган. Гап «соя флотии» дея аталувчи тармоқ – санқциялар остидаги мамлакатлар нефтини ташувчи хизмат қиладиган танкерлар тизими ҳақида борапти. Тахминларга кўра, ушбу тармоқ ихтиёрида минтақа яқин кема бўлиб, у нафақат Эрон, балки санқцияларга учраган бошқа давлатларга ҳам хизмат кўрсатади.

Бу схеманинг заиф томони шундаки, бир нечта шов-шувли мусодара фаҳрт (ташиш) ставкаларини ошириши, сугурта компаниялари шартларини қатъийлаштириши ва трейдерларнинг ҳар бир ташувчи учун хавф устамасини кўпишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис танкерларни ушлаб қолишга тайёрлик ҳақидаги хабарларнинг ўзиёқ иқтисодий босим воситасига айланади.

Кўп бор таъкидланганидек, Эрон ҳам босим қилиш имконига эга. Бу – жаҳон иқтисодиёти учун ҳаётий аҳамиятга эга ўрмуз бўғози. Жаҳон нефтининг салкам тўртдан бир қисми айнан шу ердан ўтади. Шунинг учун уни тўсиб қўйиш таҳдиди дунё бозорларини ларзага солиши мумкин.

Бу орада Исроил энг ёмон сценарийга тайёргарлик кўрмоқда. Қуддусда Вашингтон ва Техрон ўртасидаги мулоқот барбод бўлса, бош-

ланиши мумкин бўлган эскалация ҳақида тобора кўпроқ гапирилмоқда. Исроил хавфсизлик тизими тахминларига кўра, Американинг эҳтимолий зарбасига Эрон кескин жавоб қайтаради. Эрон ўз худудидан, Техрон қўллаб-қувватлайдиган гуруҳлар эса Ливан, Яман ва Ироқдан бир вақтингиз ўзида оммавий баллистик ракета зарбалари бериши мумкин.

Музокаралар давом этаётган бир пайтда АҚШ минтақага иккинчи авиаташувчи кемасини жўнатмоқда, ўрмуз бўғозини P-8 Poseidon самолётлари ва MQ-4C Triton дронлари билан патруллашни кучайтирмоқда. Эрон эса ядровий объектлар яқинидаги ерости туннелларига киришларни мустаҳкамламоқда. Сунъий йўлдош тасвирилари Колант Газ Ла тоғи ҳамда Натанал ва Исфаҳон атрофида янги бетон қолла-малар ва ҳимоя иншоотлари барпо этилаётганини кўрсатмоқда.

Америка президенти Нетаньяху билан учрашувдан сўнг Эрон расмийларига қатъий талаб қўйди: «Агар биз келишувга эришмасак, иккинчи босқич улар учун жуда оғир бўлади». Техрондан ҳам шунга яраша таҳдид тўла жавоблар янграмоқда.

Минтақа аста-секин урушга тайёргарлик намоийиши босқичига кирмоқда. Музокаралар давом этмоқда, бироқ бир вақтингиз авиаташувчилар қўпайтирилмоқда, туннеллар мустаҳкамланмоқда, фуқаролик муҳофаа тизимлари ҳозирланмоқда.

Бироқ минтақа давлатлари урушини истамаятгани ҳақида бир неча бор таъкидлаган эдик. Қолаверса, Эрон нефтининг энг йирик хари-дор бўлган Хитой минтақанинг бекарорлашуви билан манфаатдор эмас. Пекин учун таъминот ҳамда нархлар барқарорлиги жуда муҳим. Россия эса можорани ўзининг Ғарб билан қарама-қаршилиги нуқтаи назаридан қузатмоқда ва уни умумий босимнинг бир қисми сифатида баҳоламоқда.

Уруш ҳали бошланмасдан туриб, минтақа ҳаётига ўз таъсирини ўтказга бошлаган ҳам бор гап. Хусусан, Марказий Осиёда логистик диверсификация жадаллашмоқда. Мамлакатини ҳамда Қозғистон санқция хавфи юзага келаятган бир вақтда Эрон йўналишларига қара-рамликни камайитириш мақсадида Покистон ва Афғонистон орқали жанубий йўналишни фаолаштиришга интиляпти. Геосиёсий та-ранглик савдо йўлларини қайта шакллантириб, Евроосиёнинг янги иқтисодий қиёфасини яратмоқда. Кавказ ҳам ушбу мозаиканинг бир қисмидир. Транспорт табибуслари, энергетик лойиҳалар ва Starlink каби сунъий йўлдош тизимлари атрофидаги рақамли қарама-қарши-лик можора аста-секин Яқин Шарқ ташқарисига ҳам ёйилаётганини кўрсатади.

Трамп олдида қийин танлов турибди. Чекланган зарба АҚШ куч-қудратини кўрсатиб қўйиши мумкин. Аммо стратегик натижани қафолатламайди. Узоқ давом этадиган санқцион сиёсат босимни кучайтиради, бироқ Эрон ичи-даги радикал унсурларни мустаҳкамлайди.

Ҳокимиятнинг ағдаришга уриниш эса бекарор-ликни келтириб чиқаради ва янада кучлироқ ҳарбийлашган тузилманинг ҳокимиятга келиши эҳтимолини оширади.

Воқеаларнинг кейинги ривожидида бир нечта сценарийлар тахмин этиляпти. Чекланган ҳарбий операция ўтказилиб, куч намоийиши орқали музокара столга қайтиш варианты бор. Бу ҳолатда зарба дипломатиянинг муқаддима-сига айланади.

Иккинчи тахмин узоқ чўзиладиган «санқцион босим»ни назарда тутаяди. Бунда нефть, молия, логистика босим механизмига айланади. Бу сунъий, лекин изчил давом этадиган уруш – вақт ва ресурсларни емирувчи стратегик мусобақа кўринишида намоён бўлади.

Учинчи йўл мулоқотнинг тўлиқ узилиши ва назоратдан чиқиб кетадиган минтақавий эскалацияга етаклайди. Бир нечта зарба занжирли реакцияни ишга тушириши мумкин. Ливан, Яман, Ироқ ёки Форс кўрфазини акваториясидаги ҳар қандай ҳолат глобал нефть бозорига таъсир кўрсатади.

Тўртинчи эҳтимол – ички босим кучайгани сари режимнинг янада қаттиқлашуви ва милитаризацияси. Ташқи таҳдид қанча кучайса, ички сиёсий тузилма шунчалик ёпиқ ва ҳарбийлашган тус олади. Бу эса музокара имкони-ятларини йўққа чиқаради.

Хуллас, ҳар бир сценарийнинг ўз баҳоси бор. Энг катта хавф шундаки, геосиёсий инқирозлар камдан-кам ҳолларда тузилган режалар асосида кечади. Эскалация механизми ишга тушириб, бас, кўпинча уни бошлаганларнинг ўзига ҳам бўйсунмай қолади.

Афсуски, вазиятни фақат «музокаралар да-вом этапти» деган жумла билан изоҳлаб бўл-майди. Минтақа ҳам дипломатияга, ҳам ҳар-бий тўқнашувга тайёргарлик қурапти. Дипло-матия босим билан, босим эса дипломатия билан мувозанатлашапти.

Аммо, бу – ҳисоб-китобларга таянган сунъий мувозанат. Томонлар эскалацияни маълум дара-жада назорат қилиш мумкин, деб ўйламоқда. Ва-шингтон чекланган зарба стратегик фалокатга олиб келмайди, деган фикрда. Техрон босимга берилаётган жавоб чораларини кенг қўлламай урушга олиб бормади, деб ишонади.

Бироқ Яқин Шарқда инқирозлар кам-дан-кам ҳолларда режадагидек кечган. Ҳо-зи минтақавий хавфсизлик пойдевори мус-таҳкамлиги синовдан ўтмоқда. У нафақат Эрон ядровий дастури ёки АҚШ санқцион сиёсатини, балки жаҳон энергетика барка-рорилиги, Евроосиё логистикаси ва «бошқа-риладиган инқироз» концепциясининг ўзи қанчалик ҳаётий экани билан боғлиқ масала-ларни ҳам қамраб олмоқда.

Нима бўлганда ҳам, вазият яқин орада ой-динлашиши керак. Чунки вазиятнинг янада чи-галлашиши АҚШга ҳам, Эронга ҳам фойда кел-тирмайди.

Жаҳонгир НАҲАНОВ «ISHONCH»

Давлат учун кўнгулни зор этма, иззат учун ўзунгни хор этма.  
Захириддин Муҳаммад Бобур

# ДАҒДАҒАГА ЙЎҒРИЛГАН «ТРАГИКОМЕДИЯ»

## ёхуд раҳбарлик маданияти ҳақида ҳаётӣ кузатишлар



Газетага мақола тайёрлаш мақсадида маълумот олиш учун бир ташкилотга бордим. Қарангки, бошлиқ илгари йиғилишларда ўзим бир неча бор учратган йигит бўлиб чиқди. Танишлиги боис ишим тез битишини ўйлаб, қувониб кетдим. Аммо чучварани хом санаган эканман, хонасига кирганимдан сўнг икки кўринишли саҳна асарини томоша қилишимга тўғри келди.

Қисқаси, раҳбар ҳузурига ҳужжат кўтариб кирган ходимнинг ишида камчилик топиб, уни кинога ва кесатиклар билан эзғилай бошлади, кейин қозғоларни йиртиб ташлади. Назаримда, концерт мен учун қўйилмаётгани, бунақа пайтларда «ўзингникини ур, бошқалар кўрсин», дейилармиди? Балки қай даражага етганини, курсиси қанчалар баланд эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандир.

У ходимга топшириқни қайтадан бера бошлади. Бу жараёнда бошлиқ нима хоҳлаётганини тузук-қуруқ тушунтириб бера олмаётганини сездим. Бунга билимсизлиги сабаб бўлаётганини ҳам сезди, руҳиятидаги нуқсонни намён этаётганини, буни ҳам англамадим.

Ходим чиқиб кетгач, мен ўзимни қизиқтирган маълумотларни ола бошла-

дим. Ишим тугалланиши арафасида ҳужжатдаги камчиликларни тўғрилаган ходим яна қайиб келди. Натигада дағдағага йўғрилган «трагикомедия»нинг давомидан баҳраманд бўлдим, 10 дақиқалик ишим ярим соатга чўзилди.

Сезишимча, муассаса бошлиғи тажрибасиз. Аксинча бўлганида, ходим билан менсиз гаплашиб олган бўларди. Қолаверса, қўполлик кишини беэмайдми, бездиради. Томошанинг натижаси ҳам у кутгандек чиқмади. Хусусан, раҳбарнинг билими ҳаминқадарлиги сезилиб қолди.

Маълумотлар билан боғлиқ ишимни тугатиб, жамоа фаолиятини суратга ола бошладим. Мазкур жараёнда хозиргина газаб тўлқинлари остида қолган йигитга кўзим тушди. У синиқ жилмайиш билан мени кузатиб турарди. Унга секингина гап қотдим:

- Асабингиз мустаҳкам экан.
- Ўрганиб қолганми...
- Қўлингиздан иш келадиганга ўхшайди, кетмайсизми, ташкилот кўп-ку?

- Ишимни ёқтираман-да, билсангиз, бошқаларга ҳам осон бўлаётгани йўқ, бу гўрсўхтаннинг кетшини кутаётган ёлғиз мен эмасман. Муаммо унинг мутахассис эмаслигида...

Қизиқ, бўшабини интиқиб кутаётганлар орасида бошлиқ ўзини қандай хис қилаётган экан. Муҳбирлик тажрибам, шунингдек, ўзим бирга ишлаган талайгина раҳбарларни кузатиш асносида соҳасининг устаси бўлган етакчилар жамоани, эркин фикрни ҳурмат қилишини англаганман. Табиийки, бундай жойда самарадорлик юқори бўлади. Аксинча, атрофидаги ёки ташқаридаги «ақли»лар таъсирига тушиб қолиб, жамоада бўлар-бўлмас таърибалар ўтказган, лаёқатсизлигини газаб ва жиддийлик билан ниқоблаган билимсиз амалдорларни ҳам кўрганман. Ўз-ўзидан маълумки, бунақа ботқоқда мустақил фикрлайдиганлар қабул қилинмайди, эгилувчан «Ургангиз» ун оши, сўканингиз сўк оши» қабилда иш тутувчилар гуллаб-гашнайдми.

Тўғриси, бу идора ҳавосини ўнлаб кондиционерлар мўътадиллаштириб турса-да, нафасини сиқиди. Ҳайбатли биндон узоклашар эканман, аҳли жамоага сабр-тоқат тиладим.

Алижон АБДУСАТТОРОВ  
«ISHONCH»



Ўтган асрнинг 90-йилларида ёшлар офисларда ишлашни орзу қилишган. 2000 йилларда туғилганлар эса кабинетларда ўтиришни рағбат эттишмоқда.

Агар сиз 1990 йилларда туғилган бўлсангиз, катта эҳтимол билан болалик ораунингиз яхши ўқиш, барқарор иш топиш ва чиройли оила қуриш бўлган. Борди-ю 2010 йилдан кейин туғилган бўлсангиз, TikTok юлдузи бўлиш, ўз брендингизни яратиш ёки оғага ўтириб ўйлашнинг ўрнига, дарҳақиқат, охириги ўн йилликда нафақат технология, балки кадриятлар, урф-одатлару аъёнлар ҳам ўзгарди. Хусусан, хозирги Z ва унинг вориси Alfa авлод бир жойда «михлан» ўтиришни хошламайди. Шу билан бирга, дунёни ўзгартиришни хошлади. Ижтимоий масалалар ҳусусида ҳеч кимдан тортинмай, ўйлаганини шартга айтади, таъриб алмашишдан чўчимайди. Айниқса, масофадан туриб ишлашни жуда қулай ҳисоблашади. Мисол учун, АТ, дастурлаш соҳалари уларга бу имкониятни тақдим этмоқда. Қатъий иш графиги бу авлод вакиллари учун эмас. Улар эркин муҳитни, амал учун эмас, натижа учун ишлашни маъқул кўрадилар.

Дарҳақиқат, технология асри чегараларини йўқ қилиш билан бирга, ёш авлодни кабинетда ўтириб ишлаш «мажбурият»дан озод этди. Ҳозир IT-park резиденти бўлиб, бемалол АҚШ бозорига хизмат кўрсатиш муаммо эмас.

Хўш, уларнинг кадриятлари нега бу қадар ўзгарди? Z авлод дунёдаги глобал иқтисодий инкироз кўринишидаги нотинчликда, терроризм таҳдидлари ортган бир пайтда, иқлим ўзгариши ҳақидаги жиддий хабарлар даврида ўсди. Alfa авлод эса тўлиқ пандемия, масофавий таълим ва сунъий интеллектнинг кучайиши шароитида хаётга қадам қўйди. Шу боис улар барқарорликка у қадар кўника олишмади. Пировардида мақсад ва интилишлари анъанавий муваффақиятлардан кўра, шахсий ривожланиш асносида шаклланди.

Бир жиҳатдан уларнинг танловини тўғри тушуниш ва қабул қилиш лозим. Чунки янги авлод вакиллари эски қопилларни рад этишмапти, аксинча, ўзлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиништи. Бу лоқайдлик ёки беғоналаштиш эмас, балки адаптация, яъни жамят барқарор иш тақлиф қила олган вазиётда ўзлари учун қулай имкониятларни танлаши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар учун етарли имконият яратиш зарур. АТ парклари фақат марказларда эмас, балки олис ва чекка ҳудудларда ҳам бўлиши керак.

Мухтасар айтганда, Z ва Alfa авлоддан «кир» қидиравермасдан улар ўз истеъдоқ ва маҳоратларини намён этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш лозим.

Самира МАТКАРИМОВА,  
Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси

### Тақдимот

## БОБУР ТАВАЛЛУДИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Шу кунларда шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 543 йиллигига бағишлаб турли адабий, бадиий-маърифий кечалар, шеърхонлик, ғазалхонлик тадбирлари, янги китоблар тақдимотлари бўлиб ўтмоқда.

Бадиий ижоднинг турли жанрларида қалам тебрати, бой адабий мерос қолдирган Бобур асарларини таҳлил ва талқин қилган олимлар ҳам бу санага ўзига хос совғалар билан келишмоқда. Кўни кеча ана шундай янги наشرлардан учтаси китобхонларга тақдим этилди.

Филология фанлари доктори Шухрат Хайитовнинг «Туркий бобуршунослик» номли китоби Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган. Монографияда Бобур ижоди юзасидан хориждаги, хусусан, туркий халқлар адабиётшунослигидаги манбалар тақдир этилиб, «Бобурнома», «Бобур девони», «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Аруз рисоласи» ҳамда «Рисолайи волидийя» асарларининг туркий тиллардаги таржималари ва улар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ўрганилган.

Янги наشرлардан яна бири «Бобур асарлари лугати» бўлиб, унда «Бобурнома», «Бобур девони» ва «Мубаййин» асарларидаги сўзлар изоҳлари берилган. Рисола улуг адиб ижодининг асосий сўз бойлигини

камраб олган. У ҳозирги лугатшунослик тамойиллари ва тарихий-филологик таҳлил асосида тузилган ва сўзларнинг мукамал изоҳи баён этилган.

Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари 20 дан ортиқ тилда чоп этилган, шунингдек, унинг 40 дан зиёд талқини мавжуд. Қолаверса, асар туркий тиллардан турк, озарбайжон, уйғур ва қозоқ тилларига ҳам таржима қилинган. Яқинда эса ушбу меъмуар қирғиз тилида нашрдан чиқди. «Бобурнома»ни қирғизистонлик бобуршунос олима, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Хосият Бекмирзаева қирғиз тилига ўтирган.

Мазкур наشرлар жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетақдор сиймолардан бири, буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 543 йиллигига муносиб совға ва ўзига хос эҳтиром рамзи бўлди.

Дармон ИБРОҲИМОВ  
«ISHONCH»

## БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...

Бугун ижтимоий тармоқлар, айниқса, Telegram ва Facebook платформасида юқори маошли иш, 10 кунда виза, ҳеч қандай ҳужжатсиз ишга жойлаштириш ҳақида жозибдор эълонлар тобора кўпайиб кетди. Афсуски, бундай ваъдалар ортида ким тургани кўпчиликни деярли қизиқтирмайди.

Қуйида келтирилган Навоий вилоятида содир бўлди. У юзлаб фуқаролар тақдирда тақдорланиб келатилган рақамга СМС-хабар очиб берди.

Азиз ака (исми ўзгартирилди) оддий меҳнатқаш инсон. Онлали, фарзандлари бор. Фақат ойлик маоши кўндалик эҳтиёжларини зўра қоплар, болаларининг келажаги ҳақидаги ўйлари эса уни доим изтиробга соларди.

Кўнларнинг бирида у Telegram орқали «Европада қонуний иш, ойига 3 минг евро маош», деган хабарга дуч келди. Эълон жуда ишонарли тузилган эди: чиройли суратлар, юрдошларимиз хорижда ишлаётганидан хурсанд, гувоҳномалар, худ-

изоҳлар... Хуллас, ҳаммаси рисоладагидек.

Бир марта уриниб кўрай, болаларим учун, - дея хаёл қилди-да, эълонда кўрсатилган рақамга СМС-хабар ёзди. Жавоб ҳам узок куттирмади. Ўзини расмий менежер деб таништирган шахс ҳужжатлар рўйхатини юборди ва барчаси жуда осон экани, фақат айрим расмий харажатлар борлигини айтди.

Аваллига 7 миллион сўм сўралди, кейин яна 8 миллион сўм. Азиз ака қариндош-уруғларидан қарз олди, ишонч билан пул ўтказди. «Оз қолди», «Виза деярли тайёр», «Иш берувчи келишувни якунларли тузилган эди: чиройли суратлар, юрдошларимиз хорижда ишлаётганидан хурсанд, гувоҳномалар, худ-

у учун қутилмаган ва оғир зарба бўлди. Шу тобда хаёлидан «Энди нима бўлади? Кредит ва қарзларни қандай тўлайман?» деган ўйлар ўтди...

Ушбу воқеа фақат бир инсон тақдирини эмас. Чунки, қўлпаб фуқаролар «осон ва катта даромад» ҳақидаги ваъдалар қурбонига айланмоқда.

Ҳолбуки, хорижга ишлаш учун чиқмоқчи бўлган ҳар бир фуқаро фақат Миграция агентлиги ёки лицензияга эга хусусий бандлик агентликлар орқали ҳаракат қилиши лозим. Бу энг хавфсиз ва қонуний йўл.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»

### Огоҳлик

**«ELEKTRON REALTOR» МҶЗ**

ТУҒРИДАН-ТУҒРИ МУЪОКАРАЛАР УЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАШКИЛЛАШТИРИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР ВА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА УЎТҚАЗИЛАДИГАН САВДОЛАРГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O'zsanootqurilishbank» АТБ балансида бўлган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Баҳор» МФЙ, Тошкент шўққўчаси, 3-уй манзилида жойлашган 11-хонадон.

Сотиш шартлари ва нархи билан [www.e-rieltor.uz](http://www.e-rieltor.uz) сайти орқали, савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар [e-rieltor.uz](http://e-rieltor.uz) платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Телефон: +99855-517-22-20. Расмий сайт: [www.e-rieltor.uz](http://www.e-rieltor.uz)

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши жамоаси атоқли давлат ва жамоат арбоби

Қалибек КАМОЛОВ

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Шерали Жўраев ижросида

«АНДА ЖОНИМ ҚОЛДИ» қўшиғи

Падаримни ютиб кетган жарда жоним қолди менинг,  
Қалбим торин чертиб кетган ерда жоним қолди менинг,  
Қалам бирлан шамшир тутган ерда жоним қолди менинг,  
Шабболикда шабғир этган анда жоним қолди менинг,  
Анда жоним олиб қолган Андижоним қолди менинг.



**MUASSIS:**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Namidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43  
Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati - (+998-94) 685-00-27  
Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati - (+998-91) 193-19-70  
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00 Topshirildi - 20:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 070 ta

Shundan: 6 073 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma G-211

1 2 3 4 5 6